

№01-07/5
09.06.2022 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
“Ўзархив” агентлиги
директори, Ҳайъат раиси



У.М. Юсупов

2022 йил 9 июнь

“Ўзархив” агентлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши
5-сон БАЁНИ

2022 йил 9 июнь

Навоий ш.

Раислик қилувчи:

У.М.Юсупов

“Ўзархив” агентлиги директори, Ҳайъат раиси

Қатнашдилар:

Ш.Садиқов, Х.Исаев,
Д.Кучарова, А.Маманазаров,
Д.Закирова

“Ўзархив” агентлиги Ҳайъати аъзолари

Таклиф қилинганлар:

Д.Хамдамов, Г.Бобоева,
Д.Мадиева, С.Ҳақназаров

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси бош мутахассиси, “УЗА”
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги
мухбири, “O`zbekiston 24” радиоканали
журналисти, “Mahalla” радиоканали
журналисти

Агентлик марказий аппарати ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари, Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази директорлари ва уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳар марказий ҳамда вилоят, туман (шаҳар) давлат архивлари директорлари.

КУН ТАРТИБИ:

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назоратини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон қарори ижроси ҳолати тўғрисида (У.Юсупов, Ҳудудий бошқарма бошлиқлари ва давлат архивлари директорлари).

II. “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги муассасаларида коррупцион иллатларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш ҳолати тўғрисида (У.Юсупов).

III. “Ўзархив” агентлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил қилиш ва назорат қилиш, Агентлик тизимидаги ташкилотларда ижро интизоми ҳолати, уни мустаҳкамлаш, бу борада раҳбарлар масъулиятини кучайтириш тўғрисида (Ш.Садиқов);

IV. “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда сўровлар ижроси ҳолати тўғрисида (Ш.Садиқов);

V. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги томонидан Жиззах вилояти давлат архивида ўтказилган хизмат текшируви тўғрисида (Ш.Садиқов, С.Авлияхонов).

VI. Турли масалалар.

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида **қарор қилинди:**

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назоратини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон қарори ижроси ҳолати тўғрисида

(У.М.Юсупов, Д.Ш.Хамдамов, Ш.Ф.Садиқов, Х.Н.Исаев, Д.Л.Кучарова, А.А.Маманазаров, Д.Т.Закирова, У.М.Юсупов)

1. “Ўзархив” агентлиги директори У.М.Юсуповнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назоратини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон қарори ижроси ҳолати тўғрисида ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назоратини самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон қарорига асосан, “Ўзархив” агентлиги ҳудудий адлия ва прокуратура органлари билан биргаликда 2022 йил якунига қадар давлат архивлари сақловига берилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари, колхозлар аъзоларининг умумий мажлислари баённомалари, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг буйруқларини хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон нусхаларини мунтазам равишда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун туман (шаҳар) сектор раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчиларига тақдим этилишини таъминлаш топширилганлиги;

топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил 23 февралдаги 45-сон буйруғи ва назорат режаси қабул қилинди. Унда, давлат архивлари сақловига берилган маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ер участкалари бериш ҳақидаги қарорлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари, колхозлар аъзоларининг умумий мажлислари баённомалари, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг буйруқларини хатловдан ўтказиб,

мазкур ҳужжатларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда режа-жадвал асосида 2022 йил якунига қадар уларнинг электрон нусхаларини яратиш вазифалари белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-138-сон қарори ижроси бўйича “Ўзархив” агентлиги томонидан кунлик мониторинг ташкил этилганлиги;

2022 йил 5 ойида давлат архивлари томонидан хатловдан ўтказилган жами қарорлар (қарор, баённома, буйруқ ва бошқалар) 299 682 тани, шу жумладан ҳокимлик қарорлари – 260 902 тани, ўзини-ўзи бошқариш органларининг қарори – 20 430 тани, колхоз ва совхозларнинг ер ажратиш тўғрисидаги баённома ва буйруқлари – 22 885 тани ташкил этганлиги;

хатлов натижасида аниқланган қарорларнинг жами 161 537 тасининг электрон нусхаси яратилиб, жами рақамлаштирилган кадрлар 917 628 тани ташкил этилганлиги;

рақамлаштирилган ҳужжатларнинг электрон нусхаларининг 58 841 таси (36 %), туман сектор раҳбарларига тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари:

рақамлаштирилган ҳужжатларнинг электрон нусхаларини белгиланган тартибда туман сектор раҳбарларига тақдим этиб борсинлар;

рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, шу жумладан архив ҳужжатларининг электрон нусхасини яратсинлар ва e.archive.uz тизимида маълумотларнинг самарали киритилиши бўйича тегишли чораларни кўрсинлар;

ер ажратиш билан боғлиқ қарорларни сифатли хатловдан ўтказсинлар ва хатлов натижасида аниқланган қарорларнинг электрон нусхасини яратиш бўйича ишларни жадаллаштирайсинлар.

II. “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги муассасаларда коррупцион иллатларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш ҳолати тўғрисида

(У.М.Юсупов, Д.Ш.Хамдамов, Ш.Ф.Садиков, Х.Н.Исаев, Д.Л.Кучарова, А.А.Маманазаров, Д.Т.Закирова, У.М.Юсупов)

3. “Ўзархив” агентлиги директори У.М.Юсуповнинг “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги муассасаларда коррупцион иллатларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш ҳолати тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Агентликнинг 2021 йил 27 августдаги 311-сон буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигида коррупцияга қарши ички назорат сектори ташкил этилганлиги;

Агентликнинг 2021 йил 22 сентябрдаги 342-сон буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси низоми тасдиқланганлиги;

Агентликнинг 2021 йил 27 октябрдаги 367-сон буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва тизимидаги

ташкilotларда коррупцияга қарши курашиш бўйича 10 та ички меъёрий ҳужжатлар тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги;

“Ўзархив” агентлигининг Коррупциявий хавф-хатарлар бирлашган харитаси, коррупцияга қарши курашиш дастури, Коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан:

Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланганлиги, унга кўра, кетма-кет икки йил давомида коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги “қониқарсиз” деб топилган давлат ташкilotлари раҳбарларига белгиланган тартибда интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш масаласи кўриб чиқилиши;

2022 йил 1 июлдан бошлаб эксперимент натижаларини инобатга олган ҳолда рейтинг баҳолаш тизими барча давлат ташкilotлари фаолиятига жорий этилиши;

рейтинг баҳолаш Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан “E-Anticor.uz” электрон платформаси (кейинги ўринларда — электрон платформа) орқали ташкил этилиши;

коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланиб, фаолият самарадорлиги “яхши”, “қониқарли” ва “қониқарсиз” тоифаларга ажратилиши;

рейтинг баҳолаш натижалари электрон платформада ҳисоблаб чиқилади ва ҳар йили 1 мартга қадар кенг жамоатчилик учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилиши;

ҳар йили олдинги йилнинг 1 январидан баҳоланиш ўтказилаётган йилнинг 1 январига қадар бўлган давр рейтинг баҳолаш тизими билан қамраб олиниши;

рейтинг баҳолаш натижаларининг холислигини текшириш мақсадида камида 30 фоизи фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат бўлган Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи шакллантирилиши белгиланганлиги;

“яхши” деб баҳоланган давлат ташкilotларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ижобий тажрибасини оммалаштириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

“қониқарли” деб баҳоланган давлат ташкilotларига уларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар киритиш ва уларни амалга оширишда кўмаклашиш;

“қониқарсиз” деб баҳоланган давлат ташкilotларида коррупцияга қарши курашишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилишини таъминлаб, унинг ижроси юзасидан тегишли раҳбарларнинг ҳисоботларини ҳар чоракда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг йиғилишларида эшитиш белгиланганлиги **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Миллий архивлари ҳамда Архив иши ва иш юритиш маркази директорлари:

Агентлик тизимидаги барча даражадаги ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул шахслар бириктириш чораларини кўрсинлар, масъул шахсларни тайинлашда юзакичиликка йўл қўймасинлар;

архивларда манфаатлар тўқнашуви хавфи вужудга келишини олдини олиш, юзага келган тақдирда дарҳол бартараф қилиш чораларини кўрсинлар;

фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва мавзули сўровларини бажаришда қатъий тартибда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 августдаги 495-сон ва 2021 йил 23 сентябрдаги 597-сон қарорларига риоя этсинлар, архивлар томонидан фуқароларни бевосита қабул қилишга чек қўйсинлар (мазкур регламентларда назарда тутилмаган ҳолатлар бундан мустасно);

барча раҳбарлар ташкилотда коррупцияга қарши курашиш бўйича шахсан жавобгар эканлиги ҳақида огоҳлантирилсинлар;

барча масъул ходимларга жиной ҳаракатлар учун жазонинг муқаррарлигини тушунтириш, тарғибот ишларини олиб борилишини таъминласинлар;

ёш мутахассислар билан тажрибали ва нафақадаги ходимлар ўртасида учрашувлар ташкил этиш, тартиб интизомни бузишга мойил бўлган ходимларни ўз вақтида аниқлаб, улар билан алоҳида ишлаш чоралари кўрилишини таъминласинлар;

икки ҳафта муддатда амалга оширилган ишлар тўғрисида Агентликка асослантирилган маълумотларни тақдим этсинлар.

Ш. “Ўзархив” агентлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил қилиш ва назорат қилиш, Агентлик тизимидаги ташкилотларда ижро интизومي ҳолати, уни мустаҳкамлаш, бу борада раҳбарлар масъулиятини кучайтириш тўғрисида

(У.М.Юсупов, Д.Ш.Хамдамов, Ш.Ф.Садиков, Х.Н.Исаев, Д.Л.Кучарова, А.А.Маманазаров, Д.Т.Закирова, У.М.Юсупов)

5. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиковнинг “Ўзархив” агентлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил қилиш ва назорат қилиш, Агентлик тизимидаги ташкилотларда ижро интизومي ҳолати, уни мустаҳкамлаш, бу борада раҳбарлар масъулиятини кучайтириш тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПК-5132-сон қарори талабларига мувофиқ “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган топшириқларнинг 2022 йил 5 ойи давомидаги ижро ҳолати батафсил таҳлил қилинганлиги;

“Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинганлиги ва 2022 йил 5 ойи давомида бажарилиши лозим бўлган топшириқлар сони **жами 27 тани** ташкил этганлиги, Шундан, **14 таси** директор ўринбосари Ш.Садиковга, **3 таси** Х.Исаевга тегишли топшириқлар бўлиб, топшириқларнинг барчаси белгиланган муддатлардан кечиктирилмасдан ижроси таъминланганлиги;

“Ўзархив” агентлиги директор ўринбосарлари ва масъул бўлган ходимлар билан “Ijro.gov.uz” тизимидаги бажарилиши белгиланган топшириқлар ижро

ҳолати ҳафтада икки маротаба (чоршанба ва жума кунлар) раҳбарият ҳузурида душанба кунлари дирекция йиғилишларида муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш бўйича топшириқлар бериб борилаётганлиги;

2022 йил 5 оyi давомида Агентликка келиб тушган ҳужжатлар **1023 тани**, юборилган ҳужжатлар **693 тани** ташкил этганлиги, **105 та** асосий фаолиятга оид, **75 та** шахсий таркибга оид буйруқлар ва **18 та** фармойишлар ишлаб чиқилганлиги;

ҳисобот даврида Агентлик томонидан **46 та**, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари (**4 та**), Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари (**15 та**), Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари (**34 та**), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари (**33 та**) ижроси юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинганлиги **маълумот учун қабул қилинсин**.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари ҳамда Архив иши ва иш юритиш маркази директорлари:

ҳисобот даврида келиб тушган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари билан ишлашда, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарори талабларига ҳамда ижро интизоми ва иш юритишни ташкил этишда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон қарор талабларига мувофиқ ишларни ташкил қилиш ва ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш тартибига қатъий риоя этилишига эътибор қаратсинлар;

тасарруфидаги қуйи ташкилотларда ижро интизоми ҳолатини мунтазам равишда ўргансинлар ва назоратга олган ҳолда натижадорлигини ошириш юзасида йиғилишларда танқидий муҳокама қилиб борсинлар;

ҳужжатларни рўйхатга олиш ва ижро интизомини таъминлаш тизимининг мавжуд камчиликларини чуқур таҳлил қилган ҳолда амалдаги тартибнинг бузилишига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан ўрнатилган тартибда таъсирчан чоралар кўрсинлар.

7. Назорат ва ижро интизоми сектори бошлиғи (Д.Юсупов):

“Ўзархив” агентлиги тизим ташкилотларида ижро интизомини таъминлаш ва иш юритишни ташкил этишда методик кўмаклашиш амалиётини давом эттирсин;

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари билан ишлашда камчиликларга йўл қўйган раҳбар интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида таклифларни “Ўзархив” агентлиги директорига киритиб борсин.

8. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарлари (Ш.Садиков, Х.Исаев) ҳамда Назорат ва ижро интизоми сектори бошлиғи (Д.Юсупов):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори билан белгиланган талаблар асосида топшириқларнинг ўз вақтида ва тўлақонли бажарилиши юзасидан таъсирчан чоралар кўрсинлар;

топшириқлар ижросини амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этсинлар, бунда марказий аппарат, ҳудудий бошқармалар ва Ўзбекистон миллий архивларида ишларнинг реал ҳолатини танқидий ўрганишга эътибор қаратсинлар;

топшириқларни бажариш бўйича назорат ва ҳисобдорликни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори билан белгиланган тартибга қатъий амал қилган ҳолда ташкил этсинлар.

IV. “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда сўровлар ижроси ҳолати тўғрисида

(У.М.Юсупов, Д.Ш.Хамдамов, Ш.Ф.Садиков, Х.Н.Исаев, Д.Л.Кучарова, А.А.Маманазаров, Д.Т.Закирова, У.М.Юсупов)

9. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиковнинг “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда сўровлар ижроси ҳолати тўғрисида ахбороти, хусусан:

“Ўзархив” агентлиги раҳбарияти томонидан 2022 йил 5 ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги шаҳар ҳамда туманларда жисмоний ва юридик шахсларни сайёр қабули жадвалига асосан 10 та сайёр ва шахсий қабуллар ўтказилиб, уларда 61 нафар фуқаролар мурожаатлари кўриб чиқилганлиги;

Агентликка жорий йил 5 ой давомида жисмоний ва юридик шахслардан жами 335 та, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси орқали 245 та, ишонч телефони орқали 4 та, ёзма тарзда 86 та мурожаатлар келиб тушди, шундан 319 та мурожаатлар ижроси бажарилганлиги;

Агентликка келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилинганда 5 ой давомида жами 33 та шикоят келиб тушганлиги, жумладан, Самарқанд вилояти бўйича - 7 та, Тошкент шаҳри (ҳудуд) бўйича - 6 та, Қашқадарё вилояти бўйича – 5 та, Тошкент вилояти бўйича – 4 та, Хоразм, Наманган, Жиззах, Андижон, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича - 2 тадан, Фарғона вилояти бўйича – 1 та шикоятлар келиб тушганлиги;

Республика давлат архивларига жами жисмоний ва юридик шахслардан 1490 та мурожаатлар келиб тушганлиги ҳамда ўрнатилган тартибда кўриб чиқилганлиги, шундан 722 та мурожаат қаноатлантирилганлиги, 589 тасига тушунтириш берилганлиги;

Агентлик тизимидаги архив муассасаларида бугунга қадар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда камчилик ҳамда ҳуқуқбузарликка йўл қўйганликлари учун 7 нафар раҳбар ва масъул ходимлар интизомий жавобгарликка тортилганлиги;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тезкор ахборот хизматини кўрсатиш мақсадида Агентликда идоравий алоқа маркази (ишонч телефони 55-503-01-50) фаолияти ташкил этилганлиги;

шунингдек, телеграм ижтимоий тармоғида @arxivbot ва @antikor_arxivbot ботлари фаолияти йўлга қўйилган. Бу билан Агентлик раҳбариятига бевосита ижтимоий тармоқлар орқали мурожаат йўллаш имконияти яратилган. Хусусан, бугунги кунга қадар мазкур @arxivbot орқали 2022 йилни ўзида 700 дан ортиқ мурожаат ва таклифлар келиб тушганлиги;

мурожаатлар ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиб, кўриб чиқиш жараёнида мурожаатларнинг 90% иш ҳақи ва иш стажини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномасини бериш масалалари бўйича эканлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

10. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари (Ш.Садиков), бўлим бошлиғи (Н.Анарқулова), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари ҳамда Архив иши ва иш юритиш маркази директорлари “Ўзархив” агентлиги ва унинг ҳудудий ва тизим ташкилотларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тизимли ташкил этиш, мурожаатларни кўриб чиқишнинг натижадорлигини таъминлаш учун:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш чораларини кўрсинлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар бир мурожаатини ўз вақтида, қонунчилик талабларига қатъий амал қилган ҳолда кўриб чиқилиши юзасидан янада талабчанликни кучайтирсинлар;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг, шунингдек такрорий мурожаатларнинг кўпайиши сабабларини ўрганиш ҳамда келгусида уларни камайтириш, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларининг асоссиз бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўрсинлар;

жойлардаги тизимли муаммоларни аниқлаб, уларни ҳал этиш чораларини кўрсинлар, мурожаатларни, айниқса такрорийларининг ҳар бирини, ўз вақтида сифатли кўриб чиқиш юзасидан назорат ишларини кучайтирсинлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда масъулиятсизлик ва юзакчиликка йўл қўйган масъул шахсларга нисбатан кескин чоралар кўрсинлар;

раҳбарлар томонидан жойларда жисмоний ва юридик шахсларнинг (вакиллари) билан тасдиқланган жадвал асосида сайёр қабуллар ўтказиш амалиётини давом эттирсинлар, қабулларда кўтарилган масалалар ўз вақтида тўлиқ ва сифатли кўриб чиқилишини таъминласинлар, муаммоларни имкон қадар жойида ҳал этиш чораларини кўрсинлар;

ҳайъат, дирекция йиғилишларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича ишларнинг аҳволини мунтазам муҳокама этиб бориш ва тегишли таркибий тузилмаларда мониторинглар ўтказсинлар, қонунда белгиланган талабларни бузган масъул ходимларга нисбатан кескин чоралар кўриб борсинлар;

мурожаатлар бўйича иш юритишни янада такомиллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий этиш, мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходимларнинг малакасини ошириш чораларини кўрсинлар;

тизим ташкилотларига нисбатан мурожаатлар билан ишлаш бўйича талабчанликни ошириш, уларга доимий амалий ёрдамлар кўрсатиш ва тавсиялар бериб бориш чораларини кўрсинлар.

11. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари (Ш.Садиков) ва бош мутахассиси (Л.Мирзаев) давлат архивлари сақловига топширилган фуқароларнинг шаҳодатномалари, дипломлари ва меҳнат дафтарчаларини бериш

юзасидан архивлар томонидан давлат хизматини жорий этиш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқсинлар.

V. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги томонидан Жиззах вилояти давлат архивида ўтказилган хизмат текшируви тўғрисида

(У.М.Юсупов, Д.Ш.Хамдамов, Ш.Ф.Садиков, Х.Н.Исаев, Д.Л.Кучарова, А.А.Маманазаров, Д.Т.Закирова, У.М.Юсупов)

12. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиковнинг Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги томонидан Жиззах вилояти давлат архивида ўтказилган хизмат текшируви тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

“Ўзархив” агентлигининг 2022 йил 20 майдаги 70^{III}-сон буйруғига асосан тузилган Ишчи гуруҳ томонидан 2022 йил 23-27 май кунлари Жиззах вилояти давлат архивида архив ҳужжатларининг йўқолганлиги юзасидан хизмат текшируви ўтказилганлиги;

Жиззах вилояти давлат архиви сақловида бўлган 36 та ташкилотнинг ҳужжатларидан ноқонуний равишда архив ҳужжатлар архивдан олиб чиқиб кетилганлиги ва архив ходимларининг қидирув ишлари натижасида 2 660 с.б. ҳужжатлар Жиззах вилояти Ш.Рашидов туманида жойлашган иккиламчи қоғоз чикиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш масканидан қайтариб олиб келинганлиги, олиб чиқиб кетилган ҳужжатлар оқибатида **йўқолган архив ҳужжатлари мавжудлиги**;

архив сақловхонаси ва архив ҳужжатлари доимий ёки вақтинча сақланадиган хоналар, шунингдек моддий бойликлар, бинодан авария ва захира чиқиш йўллари сигнализациялари билан жиҳозланмаганлиги ва архив сақловхонаси **муҳрланмасдан келинганлиги**;

Жиззах вилояти давлат архиви биносида ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилган вақтда видео кузатув камераси **мавжуд бўлмаганлиги**;

бундан ташқари, қоровуллар билан тегишли инструктажлар **олиб борилмаганлиги**;

архив қоровуллари томонидан архив биносида кунлик хизмат вазифасига киришганлиги тўғрисидаги маълумотлар қайд қилиб борилмаганлиги **маълумот ва хулоса чиқариш учун қабул қилинсин**.

13. Жиззах вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи (С.Авлияхонов):

бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган Архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 70-бандига мувофиқ Жиззах вилояти давлат архивида навбатдан ташқари архив ҳужжатларининг мавжудлиги ва ҳолатини тўлиқ текширишни амалга оширилишини ва натижаси бўйича Агентликка маълумот киритилишини таъминласин;

Жиззах вилояти давлат архиви биносини сигнализациялар билан жиҳозлаш ишларини таъминласин;

архив сақловхонасини доимий равишда муҳрлаб, калитларни ўрнатилган тартибда топширишни йўлга қўйилишини таъминласин;

архив биносининг муҳим қисмларига видео кузатув камераларини ўрнатиш чораларини кўрсин;

барча ходимлар билан тегишли инструктажларни олиб боришни йўлга қўйсин;

архив қоровуллари томонидан архив биносида кунлик хизмат вазифасига киришганлиги тўғрисидаги маълумотларни қайд қилиб боришни йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

бир ой муддатда амалга оширилган ишлар бўйича асосланган маълумотларни Агентликка киритсин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари директорлари:

барча даражадаги архивлар сақловхоналарини доимий равишда муҳраб, калитларни ўрнатилган тартибда топшириб борилишини назорат қилсинлар;

архив биноларини сигнализациялар билан жиҳозлаш, биноларнинг муҳим қисмларига видео кузатув камераларини ўрнатиш чораларини кўрсинлар;

барча ходимлар билан, айниқса бино қоровуллари билан тегишли инструктажларни олиб борсинлар;

бир ой муддатда амалга оширилган ишлар бўйича асосланган маълумотларни Агентликка киритсинлар.

15. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари (Садиков) **уч кун муддатда** йўл қўйган хато ва камчиликлари учун Жиззах вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи С.Авлияхоновга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш бўйича таклиф киритсин.

VI. Турли масалалар

(У.М.Юсупов, Д.Ш.Хамдамов, Ш.Ф.Садиков, Х.Н.Исаев, Д.Л.Кучарова, А.А.Маманазаров, Д.Т.Закирова, У.М.Юсупов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони тўғрисида

16. “Ўзархив” агентлиги бўлим бошлиғи О.Суюновнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони тўғрисидаги ахбороти, хусусан;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури”га асосан Ахборот технологиялари вазирлиги ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига давлат бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг қуйи бўлинмаларининг бухгалтерия, **кадрлар билан ишлаш** ва девонхона каби йўналишлардаги иш фаолиятини рақамлаштириш ишларини олиб бориш вазифаси юклатилганлиги;

юқоридаги вазифалар ижроси бўйича, давлат фуқаролик хизматига киришда инсон омилини камайтириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва коррупциявий хавф-хатарларни олдини олишга қаратилган **Давлат фуқаролик**

хизматчилари вакант лавозимлари ягона очик портали — vacancy.argos.uz портали, ходимларни масофавий ўқитиш бўйича **ilm.argos.uz** платформаси, иш фаолияти самарадорлигини автоматик баҳолаш имконини берадиган **kpi.argos.uz** платформаси, ходимларнинг билим салоҳиятини автоматик аниқлаш имконини берувчи **test.argos.uz** платформаси жорий этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сонли қарорининг 8-бандида 2023 йил 1 январгача давлат бошқаруви органларида кадрлар билан ишлаш йўналишидаги автоматлаштирилган тизим жорий этилиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 декабрдаги 971-сон “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси жорий қилинишини ва унинг ишлашини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари тасдиқланганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

17. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари ва Архив иши ва иш юритиш маркази директорлари:

Ягона миллий меҳнат тизими идоралараро дастурий аппарат комплексига киритилаётган маълумотлар тўлиқлигини таъминласинлар;

вакант лавозимларни эълон қилишдан тортиб, танлов ўтказиш ва ишга қабул қилиш натижалари бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришгача бўлган жараёнларни тўлиқ **Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимлари ягона очик портали — vacancy.argos.uz** орқали амалга ошириш тўғрисидаги талабга қатъий риоя этсинлар;

кадрларни бошқариш, баҳолаш, масофавий ўқитиш ва ривожлантириш жараёнларини **давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот таҳлил тизими** таркибидаги платформалари (ilm.argos.uz, kpi.argos.uz, test.argos.uz) орқали электрон тарзда амалга ошириш ишларини жадаллаштирсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 апрелдаги ПҚ-208-сон “Бюджетлараро муносабатларни ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори тўғрисида

18. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиковнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 апрелдаги ПҚ-208-сон қарори тўғрисидаги ахбороти хусусан:

мазкур қарор билан бюджет тизими бюджетларидан асосий воситаларни харид қилиш ҳамда бино ва иншоотларни таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни жорий йил якунига қадар тўхтатиш белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 31 майдаги 10.2/4-55045-22-177-сон тақдимномасига асосан “Ўзархив” агентлиги тизимидаги давлат муассасалари томонидан электрон савдолар орқали *Андижон (2 та), Навоий (3 та), Наманган (1 та), Сирдарё (1 та), Тошкент (2 та) ва Хоразм (2 та)* вилоятларида жами 11 та шартномалар тузилиб, 127 055,3 минг сўмлик бюджетдан

ташқари маблағлар ҳисобидан тақиқланган харидлар амалга оширилганлиги **кўрсатиб ўтилсин.**

19. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари, Архив иши ва иш юритиш маркази ҳамда Агентлик тизимидаги барча давлат архивлари директорлари (*шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивлари бундан мустасно*) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 апрелдаги ПҚ-208-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида бюджет тизими бюджетларидан (бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар) асосий воситаларни харид қилиш ҳамда бино ва иншоотларни таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни жорий йил якунига қадар тўхтатсинлар.

20. Ушбу Ҳайъат йиғилиши қарорлари ижроси юзасидан умумий назорат Агентлик директори ўринбосари (Садиков Ш.Ғ.) зиммасига юклатилсин.

Ҳайъат аъзоси:

Ш.Садиков

Х.Исаев

Д.Кучарова

А.Маманазаров

Д.Закирова

Баённома тузувчи:

Ш.Ҳожибоев